

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 6 “ март

№ ПК-3586

“ 20 “ 20 г.

**Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республикада лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этишни жадал ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш механизмини таъминлайдиган ягона ташкилий тизимни барпо этиш ҳамда инновацион технологиялар асосида лимон етиштиришни комплекс ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компанияси, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ҳамда лимон етиштирувчи ташкилотларнинг республика ҳудудида лимон кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасини (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул килинсинки:

“Пире фрут трейд” МЧЖ, “Холис саркор замин” МЧЖ, “ҚУББО мева-сабзавот” МЧЖ, “Сағбон тикувчи элит” МЧЖ, “Сора инвест” МЧЖ масъулияти чекланган жамиятлари шаклидаги лимон етиштирувчи ташкилотлар, “Узоқбой ниҳоллари”, “Курбонов Иzzатилла”, Абдурахмон Абдугаффор давр” фермер хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, лимон экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар Уюшма муассислари ҳисобланади;

ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар шартнома асосида Уюшмага мустақил аъзо бўлишлари мумкин ва унинг таркибидан чиқиш хукуқига эгадирлар.

3. Куйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикада лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этишни комплекс ривожлантириш бўйича дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, соҳада ягона илмий-техникавий, технологик, инвестицион ва экспорт сиёсати амалга оширилишига кўмаклашиш;

табиий майдонлардан оқилона фойдаланган ва интенсив етиштириш технологияларини қўллаган ҳолда лимон ўсимлигининг ўсиши учун қулай бўлган

худудларда махсус иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш йўли билан лимон етиштириш ҳамда экспорга маҳсулот чиқариш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

лимон етиштириш жараёнларига хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда консультантларни фаол жалб қилиш, ушбу соҳага илгор технологияларни жорий қилиш;

лимон кўчатларини лимон етиштириш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга тизимли етказиб бериш, лимон ўсимлиги зааркундалари ва касалликларига қарши биологик ҳамда кимёвий воситалар асосида курашиш ишларига кўмаклашиш;

инновацион технологияларни лимон етиштириш жараёнига жорий қилиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, лимоннинг маҳаллий серҳосил навларини яратиш, районлаштириш ҳамда янги навларни давлат реестрига киритиш ишларига кўмаклашиш;

лимон етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳамда экспортга етказиб бериш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

лимон етиштирувчиларга лимонни етиштиришнинг замонавий усуллари ва уни парвариш қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда методик ёрдам кўрсатиш;

лимонни парвариш қилишга жалб этиладиган мутахассисларни агротехник тадбирларни тўғри ўтказиш бўйича ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш;

соҳа учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида, шунингдек, хорижда уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

4. Куйидагилар:

“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага;

“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 16 нафардан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Уюшма раисига, зарурат бўлганда, ижро этувчи аппаратининг тузилмасига ўзгартириш киритиш хукуки берилсин.

Уюшманинг ижро этувчи аппаратининг жорий таъминоти ҳамда фоалиятини молиялаштириш уларнинг таркибига кирувчи лимон етиштирувчи ташкилотларнинг ажратмалари, лимон етиштириш, унинг кўчатларини тайёрлаш ва экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг аъзолик бадаллари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағлари, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, Уюшма раиси ва ўринбосари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади.

6. Куйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2021-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг умумий прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Фермер, дехкон ва томорқа хўжаликлари томонидан 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 3.1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2021-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 3.2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида ва академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида 2018-2021 йилларда лимон кўчатлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимон маҳсулотини етиштириш ва экспортга чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни, “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 6-бандидан келиб чиқкан ҳолда лимон кўчатлари ва маҳсулотини етиштириш прогноз кўрсаткичларини туманлар ва лимон етиштирувчи ташкилотлар кесимида шакллантиурсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига:

лимон етиштиришга ихтисослаштирилган замонавий иссиқхоналарни ташкил этиш учун зарур техника ва мини технологияларни сотиб олиш;

академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида замонавий интенсив усулларда лимон кўчатларини етиштиришни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари грантлари ва кредитларини жалб этиш вазифаси юклатилсан.

9. “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда:

лимон маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда навига боғлиқ ҳолда ташки бозорнинг талабини аниқлаш;

етиштирилган лимон маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонавий логистика тизимини кенг жорий этиш, маҳсулотни ҳалқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган ҳолда саралаш, калибрлаш ва қадоклаш йўли билан экспортга чиқаришдан олдин тайёрлаш ишларини ташкил этсинлар.

10. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент давлат аграр университети, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти:

икки ҳафта муддатда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб лимон етиштириш ва лимон етиштиришга ихтисослаштирилган иссиқхоналарни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини;

2018 йил 1 апрелгача қадар фермер, дехқон хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда томорқа ер эгалари иштирокида лимон етиштиришга ихтисослаштирилган иссиқхоналарни ташкил этиш юзасидан ўқув семинарлари ўтказилишини таъминласинлар.

11. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда Уюшма текин фойдаланиш хукуки асосида Қарши шаҳри, Эски анхор кўчаси, 4-уда жойлашган Ўрмон хўжалиги бошқармасининг маъмурий биносига жойлаштирилишини таъминласин.

12. Уюшма фаолиятини ташкил этиш билан боғлик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга қўмаклашиш бўйича 6-иловага мувофиқ таркибда ишчи гурӯх (кейинги ўринларда Ишчи гурӯх деб аталади) тузилсин.

Ишчи гурӯх (З.Т. Мирзаев):

бир ой муддатда Уюшма аъзоларининг умумий йигилиши ўтказишишини, Уюшма устави тасдиқланишини ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Уюшма ижро этувчи аппарати тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадвалига мувофиқ пухта танлаш асосида юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини;

худудларда фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан лимон етиштиришга амалий ёрдам беришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсупов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 марта ПК-3586-сон карорига
1-илюва

**“Лимон етиширувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 марта ПҚ-3586-сон қарорига
2-илова

**“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ижро этувчи аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 16 нафар.

Изоҳ. Уюшма ижро этувчи аппаратининг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 мартағи ПҚ-3586 қарорига
3-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш
ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг умумий прогноз кўрсаткичлари**

T/p	Худудлар номи	2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзор майдони, га	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ҳосили, тн	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ўртacha ҳосилдор- лиги, ш/га	Йиллар			
			2018	2019	2020	2021		2022	2023	2024	2025		2022	2023	2024	2025
1	Қорақалпоғистон Республикаси	33	6	8	9	10	1850	100	300	550	900	223	167	214	239	273
	вилоятлар:															
2	Андижон	165	30	35	45	55	9204	510	1421	2683	4590	228	170	219	244	278
3	Бухоро	200	35	45	55	65	10871	578	1697	3196	5400	221	165	212	237	270
4	Жиззах	150	30	35	40	45	8155	480	1337	2410	3927	214	160	206	230	262
5	Қашқадарё	330	75	80	85	90	20044	1298	3448	5957	9342	232	173	222	248	283
6	Навоий	150	30	35	40	45	8970	528	1471	2651	4320	236	176	226	253	288
7	Наманган	175	35	40	45	55	10029	595	1639	2927	4868	228	170	219	244	278
8	Самарқанд	270	60	65	70	75	16867	1074	2877	5008	7909	240	179	230	257	293
9	Сурхондарё	345	75	80	90	100	21426	1350	3587	6327	10162	241	180	231	258	295
10	Сирдарё	44	7	10	12	15	2351	116	361	687	1188	221	165	212	237	270
11	Тошкент	185	35	40	50	60	10614	606	1668	3103	5237	232	173	222	248	283
12	Фарғона	160	30	35	45	50	9385	528	1471	2778	4608	236	176	226	253	288
13	Хоразм	33	6	8	9	10	1854	100	301	551	902	224	167	215	240	273
Жами		2240	454	516	595	675	131619	7861	21577	38829	63353	232	173	222	248	283

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 марта ПҚ-3586 қарорига
3.1-илова

**Фермер, дехқон ва томорқа хўжаликлари томонидан 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш
ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

T/p	Худудлар номи	2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзор майдони, га	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ҳосили, тн	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ўртacha ҳосилдор- лиги, ц/га	Йиллар			
			2018	2019	2020	2021		2022	2023	2024	2025		2022	2023	2024	2025
1	Коракалпогистон Республикаси	28	5	7	8	8	1587	84	258	480	766	224	168	215	240	273
	вилоятлар:															
2	Андижон	145	25	30	40	50	8001	427	1206	2325	4044	228	171	219	245	279
3	Бухоро	148	25	33	40	50	8019	418	1242	2338	4022	223	167	214	239	272
4	Жиззах	120	25	30	30	35	6642	401	1134	1956	3150	215	160	206	230	263
5	Қашқадарё	230	50	55	60	65	13977	875	2363	4127	6612	234	175	225	250	287
6	Навоий	130	25	30	35	40	7726	443	1250	2280	3754	237	177	227	253	289
7	Наманган	123	25	28	30	40	7090	430	1169	2043	3448	230	172	221	246	280
8	Самарқанд	218	50	53	55	60	13769	900	2381	4076	6411	241	180	231	258	294
9	Сурхондарё	253	55	58	65	75	15765	1000	2636	4631	7498	243	182	233	260	296
10	Сирдарё	34	5	8	9	12	1809	84	278	524	923	223	167	214	238	271
11	Тошкент	148	28	32	40	48	8533	488	1342	2495	4208	233	174	224	249	284
12	Фарғона	135	26	30	38	41	8013	460	1272	2382	3900	237	177	227	253	289
13	Хоразм	28	5	7	8	8	1591	84	259	481	768	225	168	216	240	274
Жами		1740	349	401	458	532	102522	6092	16789	30137	49504	233	175	224	249	285

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 мартағи ПҚ-3586 қарорига
3.2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барни
етиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришининг прогноз кўрсаткичлари**

T/p	Худудлар номи	2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзор майдони, га	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ҳосили, тн	Йиллар				2022-2025 йилларда олинадиган ўртacha ҳосилдор- лиги, ц/га	Йиллар			
			2018	2019	2020	2021		2022	2023	2024	2025		2022	2023	2024	2025
1	Қоракалпогистон Республикаси	5	1	1	1	2	263	16	42	70	135	219	161	212	234	269
	вилоятлар:															
2	Андижон	20	5	5	5	5	1203	83	215	359	546	223	166	215	239	273
3	Бухоро	52	10	12	15	15	2852	160	455	858	1378	216	160	207	232	265
4	Жizzах	30	5	5	10	10	1513	79	203	454	777	212	158	203	227	259
5	Қашқадарё	100	25	25	25	25	6068	423	1085	1830	2730	226	169	217	244	273
6	Навоий	20	5	5	5	5	1244	86	221	371	566	231	171	221	248	283
7	Наманган	52	10	12	15	15	2939	165	470	884	1421	223	165	214	239	273
8	Самарқанд	52	10	12	15	15	3098	174	495	932	1497	235	174	225	252	288
9	Сурхондарё	92	20	22	25	25	5662	350	951	1697	2664	236	175	226	253	290
10	Сирдарё	10	2	2	3	3	542	32	83	162	265	216	160	207	232	265
11	Тошкент	37	7	8	10	12	2081	118	326	608	1029	227	168	217	243	278
12	Фарғона	25	4	5	7	9	1371	68	199	396	707	231	171	221	248	283
13	Хоразм	5	1	1	1	2	263	16	42	70	134	219	162	210	235	268
Жами		500	105	115	137	143	29098	1769	4788	8692	13849	227	169	218	243	277

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 марта ПК-3586 қарорига
4-илюва

**Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида ва академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида 2018-2021 йилларда лимон кўчатлари стиштиришнинг
прогноз кўрсаткичлари**

минг дона

T/p	Худудлар номи	2018-2021 йилларда жами етиштириладиган лимон кўчатлари сони	Шу жумладан									
			Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси				академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ					
			йиллар				жами	йиллар				жами
			2018	2019	2020	2021		2018	2019	2020	2021	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	33,0	3,0	4,0	4,5	5,0	16,5	3,0	4,0	4,5	5,0	16,5
	вилоятлар:											
2	Андижон	165,0	15,0	17,5	22,5	27,5	82,5	15,0	17,5	22,5	27,5	82,5
3	Бухоро	200,0	17,5	22,5	27,5	32,5	100,0	17,5	22,5	27,5	32,5	100,0
4	Жizzах	150,0	15,0	17,5	20,0	22,5	75,0	15,0	17,5	20,0	22,5	75,0
5	Қашқадарё	330,0	37,5	40,0	42,5	45,0	165,0	37,5	40,0	42,5	45,0	165,0
6	Навоий	150,0	15,0	17,5	20,0	22,5	75,0	15,0	17,5	20,0	22,5	75,0
7	Наманган	175,0	17,5	20,0	22,5	27,5	87,5	17,5	20,0	22,5	27,5	87,5
8	Самарқанд	270,0	30,0	32,5	35,0	37,5	135,0	30,0	32,5	35,0	37,5	135,0
9	Сурхондарё	345,0	37,5	40,0	45,0	50,0	172,5	37,5	40,0	45,0	50,0	172,5
10	Сирдарё	44,0	3,5	5,0	6,0	7,5	22,0	3,5	5,0	6,0	7,5	22,0
11	Тошкент	185,0	17,5	20,0	25,0	30,0	92,5	17,5	20,0	25,0	30,0	92,5
12	Фарғона	160,0	15,0	17,5	22,5	25,0	80,0	15,0	17,5	22,5	25,0	80,0
13	Хоразм	33,0	3,0	4,0	4,5	5,0	16,5	3,0	4,0	4,5	5,0	16,5
Жами		2240,0	227,0	258,0	297,5	337,5	1120,0	227,0	258,0	297,5	337,5	1120,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 мартағи ПҚ-3586 қарорига
5-илова

**Коракалпогистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимон маҳсулотини етиштириш ва экспортта чиқаришининг прогноз
кўрсаткичлари**

T/p	Худудлар номи	2018-2021 йилларда		Шу жумладан, йиллар								тонна
				2018		2019		2020		2021		
		жами етиштирила- диган хосил	шундан, экспорт қилинадиган хосил									
1	Коракалпогистон Республикаси	142	106	34	21	35	24	36	29	37	32	
вилоятлар:												
2	Андижон	2710	2041	650	425	666	450	685	570	709	596	
3	Бухоро	1585	1174	380	247	390	265	401	315	415	347	
4	Жиззах	500	397	120	84	123	95	126	104	131	114	
5	Қашқадарё	2523	1606	605	350	620	396	638	426	660	434	
6	Навоий	1230	963	295	190	302	226	311	261	322	286	
7	Наманган	1660	1342	398	262	408	298	419	329	434	453	
8	Самарқанд	2068	1572	496	329	508	367	523	427	541	449	
9	Сурхондарё	9987	7603	2395	1560	2455	1748	2524	1945	2613	2350	
10	Сирдарё	663	526	159	103	163	126	168	139	173	158	
11	Тошкент	1393	994	334	219	342	249	352	198	364	328	
12	Фарғона	3941	3053	945	620	969	688	996	849	1031	896	
13	Хоразм	400	318	96	64	98	79	101	85	105	90	
Жами		28801	21695	6907	4474	7080	5011	7280	5677	7535	6533	
Экспорт улуши, %		75		65		71		78		87		



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 6 марта ПҚ - 3586 қарорига
бўйича

**Уюшма фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни
мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш
бўйича ишчи гурухи
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------------|---|
| 1. З.Т. Мирзаев | - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, <i>Ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2. Н.Ж. Бакиров | - Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси, <i>Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринbosари</i> |
| 3. Ш.Ж. Тешаев | - Қишлоқ хўжалиги вазири ўринbosари – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори |
| 4. Т.А. Жалилов | - “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компанияси раиси |
| 5. С.С. Ходжаев | - Акциядорлик тижорат банки “Агробанк” бошқаруви раиси |
| 6. М.Т. Анорбоев | - Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг ўринbosари |
| 7. А.Х. Абдуллаев | - Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси |
| 8. А.Э. Равшанов | - Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари АТД мудири |
| 9. И.К. Эргашев | - Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи |
| 10. З.О. Файзиев | - “Ўзбекозиковқатзахира” уюшмаси раиси |
| 11. У.А. Ахунов | - “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бошқаруви раиси |
| 12. А.А. Абдуллаев | - “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчиси |
| 13. Ю.Б. Саимназаров | - Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори |
| 14. А.Х. Ҳамзаев | - Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори |
| 15. А.И. Набираев | - Адлия вазирлигининг бошқармаси бошлиғи |
| 16. лавозими бўйича | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринbosарлари |

Изоҳ. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда гуруҳ таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии зинмасига юкланган шахс киритилади.